

## ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА ТАСВИРИЙ ВА АМАЛИЙ САНЪАТ

**Ғуламов Обиджон Ғайратович**

*Тошкент архитектура қурилиш институти ўқитувчиси*

### ARTICLE INFO.

#### **Калит сўзлар:**

Тараққиёт стратегияси, тасвирий ва амалий санъат, уларни халқаро даражада оммалаштириш, халқ рассомлари ва амалий санъати усталарининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш, миллий қадриятлар.

### Аннотация

Мақолада тараққиёт стратегиясида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш борасида вазифаларлардан келиб чиқиб, миллий анъаналарни асраб-авайлаш, замонавий амалий санъат асарларини тақдим этиш, шунингдек, унутилиб борилаётган халқ анъаналарини ўрганиш ва қайта тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш масалалари ёритилган.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl/> © 2022 LWAB.

Бугун кунда бутун дунёда бўлгани сингари юртимизда ҳам санъат соҳасини ривожлантириш бўйича қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан барча соҳада ҳаётга татбиқ этилаётган истиқболли лойиҳалар, жойларда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари халқимизнинг нафақат турмуш тарзини, балки дунёқарашини ҳам тубдан ўзгартирмоқда.

Бундай эзгу жараённи маданият ва санъат ривожига, ижод аҳлига кўрсатилаётган юксак эътибор мисолида ҳам кўриш мумкин. Сўнгги икки йилда мазкур соҳага тааллуқли 20 га яқин Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 31 майда “Маданият ва санаът соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-3022-сонли, 2018 йилд 1 августда “Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ3892-сонли 2020 йил 21 апрелда “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4688-сонли ва 2022 йил 2 февралда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [1] ПҚ-112-сонли қарорларининг қабул қилинганлиги бунинг яққол далилидир.

Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, Камолиддин Беҳзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда мамлакатимизда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 апрелда “Тасвирий

ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-4688-сонли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли фармонда ҳам санъат соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг 1-иловасида 75-мақсад қилиб “Тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтириш”га эътибор қаратилган бўлиб, унда атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари ва амалий санъати усталарининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш кўзда тутилган. [2]

Ўзбекистон нафақат тарихи, маданияти, санъати билан Марказий Осиёда, балки бутун дунёда ўз ўрнига эга мамлакатлар сирасига киради. Юртимизда азалдан санаътга эътибор юқори бўлган. Варахша саройи деворий ҳажмли ва рангтасвирлари, Хоразмдаги Тупроққалъа қадимий саройидан топилган деворий рангтасвир суратлари ўша давр меъморчилигида безак ва нақшлар уйғунлигида, мутаносиблик меъёрларини белгилашдаги ўзига хослик, тарихий манбашунослар ёзиб қолдирган манбалар безаклар ва меъморий композиция ўртасидаги гармонияга эришиш, тизимнинг ички қонуниятлари, анъанавий қўлланиш амалиётига хос тамойиллар алоҳида тадқиқотларни талаб этади. [3:5] Бу эса, қадимги давр усталарнинг ижодий фаолиятини ўрганиш, устоз-шогирд анъанавий муносабатларини тадқиқ қилиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Инглиз санъатшунос олими Ф.Р.Мартин “Темурийлар сингари санъати ва маданиятини кадрлайдиган ҳукмдорлар Марказий Осиёда ҳеч вақт бўлмаган”, деб ёзган эди. Аммо бугунги кунда юртимиз ва Марказий Осиёдаги санаът асарлари етарли даражада тадқиқ этилгани йўқ. Зардуштийлик ва буддизм даври меъморчилигида қадимий ҳажмли ва рангтасвир ёдгорликлар тарихий манбашунослик нуқтаи назардан таҳлиллий асосда деярли ўрганилмаган. [4:251]

Шўролар даврида тарихий обидалар ва амалий санъат асарлари мазмунан бузиб талқин этилганлиги мазкур жабҳанинг тараққиётига ҳам ўз таъсирини кўрсатиб, Марказий Осиё тасвирий ва амалий безак санъатида ҳам узилишларга сабаб бўлди, ҳатто айрим турларнинг буткул ёқолиб, баъзиларини эса мазмунан ўзгариб кетишига олиб келган. [5:144] Ҳозирда янги илмий методологиянинг кириб келганлиги Марказий Осиёдаги қадимги давлатлар бўлмиш Кушон империяси, Сўғдиёна давлати ва Хоразм давлатлари ҳудудларида ишланган ҳажмли рангтасвир асарлари ва амалий безак санъатининг туб моҳияти, бадиий хусусиятлари, шаклланган анъаналаридаги ички қонуниятларни қайтадан тарихий жиҳатдан кўриб чиқишни, тараққий эттирилиши лозим бўлган муҳим жиҳатларини аниқлашни тақозо этади. Бу эса Марказий Осиёда қадимда амал қилган ҳажмлик ҳайкаллар ва рангтасвир деворий суратлари зардуштийлик ва буддизм даври тарихий манбашунослигида ёритилиш меъморчилиги тасвирий ва амалий санъатнинг келиб чиқиш босқичларини тарихий жиҳатдан таҳлил қилиш долзарб муааммоларидан бири бўлиб қолади. Марказий Осиёнинг жанубий ва шимолий ҳудудларидаги тасвирий ва амалий санъати тарихини илмий ўрганиш XIX асрнинг II ярмидан бошланган. [6:58] Танланган тадқиқот қамрови жиҳатдан кенг ва катта даврни ўз ичига олса-да, тарихшунослик, манбашунослик ва санъатшунослик юзасидан махсус илмий тадқиқот ишлари аниқ тарихий манбашунослик асосида, ҳаққоний таҳлиларда амалга оширилмаган. Марказий Осиёдаги қадимги Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд ва Хоразм меъморчилиги билан боғлиқ ҳажмлик ва рангтасвир ёдгорликлари ҳақида ёзилган кўпдан-кўп китобларда Сурхондарё ва Хоразм меъморий, тасвирий ва амалий санъати ҳақида жуда кам маълумотлар берилган, кўп ҳолларда умумий маълумотлар бериш билан чекланилган. Бу ҳол тарихчи ва манбашунос муаллифларни Хоразм амалий

санъати бўйича чуқур, алоҳида тадқиқот ўтказмаганликларини, энг муҳими Бухоро, Сурхондарё, Самарқанд тарихий музейлари ва Хоразм амалий санъатининг ноёб хазинаси “Хива “Ичан қалъа” Давлат музей кўриқхонаси” фондидан фойдаланмаганликларини кўрсатади ва бу китобларда юзаки бир хилликни ҳам вужудга келтирган. [7:144]

Марказий Осиёнинг қадимий жанубий ҳудудлари, Кушон давлати Сурхондарё, Бухоро яқинидаги Варахша саройидан ҳайкаллар, рангтасвир ёдгорликлари ва Хоразмдаги Тупроққалъа саройидан топилган деворий рангтасвирлар мутахасислари томонидан илмий, махсус фундаментал тадқиқот сифатида ўрганилмаган. Амалга оширилган айрим тадқиқотлар ҳам мавзуни тўлақонли очиб бера олмайди. Чор Россияси Ўрта Осиёни босиб олгандан кейин турли мақсадларда Ўрта Осиё тарихи, маданияти, табиий имкониятлари ўрганила бошланди. Бу даврда айни зардуштийлик ва буддизм меъморчилиги мавзуси чуқур ўрганилмаган, лекин олимларнинг асарларида мавзуни ёритувчи муҳим маълумотлар мавжуд. Шу ўринда С.П.Толстов бошчилигидаги Хоразм археология ва этнография экспедициясини хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим. С.П.Толстовнинг асарларида Хоразм амалий санъатининг қадимги, илк ва ривожланган ўрта асрлар даври тўғрисида қимматли маълумотлар берилган. [8:251]

Иккинчи жаҳон урушидан кейин Ўзбекистон қадимшунослари санъатшунослари, тарихчилари йирик тадқиқотларни амалга оширдилар.

Хусусан, Г.Пугаченкова, В.Булатова, А.Морозова, И.Жабборов, А.Болтаев, М.Сазонова, Д.Фахреддиноваларнинг тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этди. Л.Ремпел, Г.Пугаченкова, Л.Маньковская, И.Ноткин, В.Булатовалар Хоразм архитектурасини тадқиқ қилиш жараёнида меъморчиликда қўлланилган амалий санъат безакларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. И.Жабборов, М.Сазонова, А.Абдурасулов этнография билан боғлиқ ҳолда хунармандчилик турлари ва уларнинг ривожланишини ўрганганлар. А.Болтаев (наққошлик), Б.Сергеев (мискарлик), Т.Абдуллаев (кандакорлик), Д.Фахреддинова (асосан заргарлик, умумий), Н.Содиқова (кийим-кечак), С.Булатов (умумий), М.Раҳимов (қулолчилик)лар бевосита амалий санъат турларини тадқиқ қилганлар. уаллифлар Марказий Осиё қадимий хажмлик ва рангтасвир ёдгорлиги санъатини тарихий манбашунослик асосида ёритиш жараёнида Хоразм амалий-безак санъатига ҳам қисман тўхталиб ўтганлар. [9:22]

Айтиш жойизки, Тараққиёт стратегиясида тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларини ривожлантириш, аҳолининг бадиий-эстетик дидини юксалтиришга, атоқли Ўзбекистон халқ рассомлари ва амалий санъати усталарининг намунали ҳаёти ва ижодини кенг тарғиб қилиш ҳамда улар хотирасини абадийлаштириш, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш, тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн йўналишларида етук мутахасисларни тайёрлашга кенг эътибор берилиши, нафақат соҳани ривожланишига, балки кадрятларимизни тикланишига асос бўлади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки бугунги кунда Марказий Осиёдаги ҳайкалларни ўрганиш бўйича етарлича тадқиқот натижалари мавжуд эмас. Назарий манбалар жуда кам учрайди. Ўзбек тилида эса деярли манбалар ва адабиётлар йўқ. Шу жиҳатдан ҳам мазкур мавзуни кенг ўрганиш ва назарий ва амалий тадқиқотлар амалга ошириш долзарб аҳамият касб этади.

Миллий анъаналарни асраб-авайлаш, замонавий амалий санъат асарларини тақдим этиш, шунингдек, унутилиб борилаётган халқ анъаналарини ўрганиш ва қайта тиклаш, улардан самарали фойдаланиш, Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъатини халқаро даражада оммалаштириш бугунги кунда асосий вазифаларимиздан бири ҳисобланади.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 2 февралда “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” [1] ПҚ-112-сонли Қарори. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ПФ-60-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Абдуллаева Н.Д. Санъат тарихи. – Тошкент, 2006.
4. Абдуллаев Т., Фахретдинова Д., Ҳакимов А. Маъданга битилган қўшиқ. Ўзбекистон халқ санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 251 б.
5. Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 144 б.
6. Абдуллаев Т. Каталог медных и медно чеканных изделий Узбекистана XVIII – XIX вв. – Ташкент: Фан, 1974.
7. Абдурасулов А. Хива (тарихий-этнографик очерклар). – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 144 б.
8. Абдуллаев Т., Фахретдинова Д., Ҳакимов А. Маъданга битилган қўшиқ. Ўзбекистон халқ санъати. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986. – 251 б
9. Абдуқодиров А. Кошин жилваси. – Тошкент, 1970. – 22 б.